

« ИНСОН ВА ҚОНУН »

КҮШ — ЭДИЛЛИКТЕ

Газета 1996—жыл  
1—сентябрден  
шыға баслады.

7-МАРТ,  
1998 ЖЫЛ  
№6—7 (51—52).  
ШЕМБИ,  
сатыўда еркин баҳада

ADAM



NIZAM

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ҲУҚЫҚ ҚОРҒАҮ УЙЫМЛАРЫНЫҢ ЖӘМИЙЕТЛИК—ҲУҚЫҚЫЙ ГАЗЕТАСЫ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Йўл—транспорт ходисаларининг олдин олиш ва ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида;

1. 1998 йил март ойида «Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги» ўтказилсин. Куйидагилар;

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид комплекс чора-тадбирлар кўриш;

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш;

транспорт ва пиёдалар ҳаракати серкатиов йўллар ва жойларни аниқлаб, уларни кўриқдан ўтказиш, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар тайёрлаш, уларни бар-тараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

транспорт воситаларининг техник тайёрлигини яхшилаш;

ойликни ўтказишга кенг жамоатчилигини жалб қилиш мазкур ойликни ўтказишнинг асосий вазифалари этиб белгилансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари;

«Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги» ни ташкил этиш ва ўтказиш комиссияларини тузсинлар;

ойликни самарали ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва унда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча идораларнинг вазифаларини белгиласинлар;

ҳар ўн кунда ойликнинг боришини муҳокама этишни ва унда раҳбар ходимларнинг ҳисоботини эшитишни йўлга қўйсинлар.

3. Вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар ва ижодий уюшмалар;

ҳайъатлар, кенгашлар бошқарув йиғилишларида транспорт воситаларининг

техник ҳолати ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини ва ходимларнинг йўл интизомига амал қилишнинг аҳволини кўриб чиқсинлар ҳамда жамоанинг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ишидаги иштирокига баҳо берсинлар;

ойликни самарали ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқсинлар;

ойликни ташкил этиш ва ўтказиш, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларга қўшимча маблағ ажратсинлар.

4. «Ўзтеледио» компанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, марказий ва маҳаллий газета-журналлар таҳририятлари;

ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигининг боришини кенг ва атрафлича ёритсинлар;

Ички ишлар вазирлигининг Давлат автомобиль назорати органлари билан биргаликда жойларда ойликнинг ўтказилишини ўрганиш бўйича рейдлар ташкил этсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, концернлар ва корпорациялар ойлик давомида амалга оширилган ишлар ва унинг натижалари ҳақида 1998 йил 15 апрелгача Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсинлар.

6. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазир **У. СУЛТОНОВ.**  
Тошкент шаҳри, 1998 йил 6 февраль.

Тўлибой ҚОБУЛОВ.

Қорақалпоғистон халқ шоири.

ҚИЗЛАРГА

Замонга чиройсиз, ҳуснига бой-Ениқ молнингиз нури олдида,  
сиз, Гул, юлдуз жилваси ҳирадир буткул.  
Саришта уйимиз сиз билан обод.  
Кўнгил осмон бўлса, сиз унда ой-сиз,  
Сизларсиз татимас бу неъмат, Шеъримга бир ҳиссам тўка олма-  
ҳаёт. дам.  
Сиз—Она, заминга ҳаёт берувчи, Туйғулар қонимда, жонимда қол-  
Фарзанд деб гоҳ ўтга, сувга тушув-ди,  
чи.  
Каштага гул эмас меҳрин терувчи, Тўшадим гул баргдан нафис поён-  
Ширин ҳаёлларга ошна бўлувчи. доз,  
Жон садқа олимни яратган кучга.  
Гоҳи ой, гоҳ юлдуз, гоҳида гул-Эй қизлар, қизларжон, эримайсиз  
деб, ҳеч,  
Муносиб бир қиёс топиш ҳам Зори-зор қиласиз битта ўнишга.  
мушкул. Мухаббат ТУРАБОЕВА таржимаси.

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСЫНДА  
КОЛЛЕГИЯ МЭЖИЛИСИ БОЛЫП ӨТТИ

Усы жылдың 2—марты күни Қарақалпақстан Республикасы Прокуратурасында коллегиялық мәжлис болып өтті.

Мәжлиске республикамыздың барлық район хәм қала прокурорлары, республикалық прокуратураның бөлим прокурорлары қатнасты.

Коллегия мәжлисин Қарақалпақстан Республикасы Прокуроры 3-дәрежели мәмлекетлик әдиллик кеңесчиһи Х. Халимов ашты хәм алып барды.

Мәжлисте еки мәселе қаралды.

1. Шымбай районы прокуратура-сының 1997-жылы жынайтшылықтың

алдын алыў бойынша исленген жу-мыслары.

2. Жақында Өзбекстан Республи-касы Министрлер Кабинетинде Пре-зидентимиз И. Кәримовтың 1997-жыл жуўмағына бағышланған мә-жлисте сөйлеген сөзинен келип шығатуғын ўазыйпалар ҳаққында мәселелер үйренилди.

Хәр еки мәселе бойынша Қарақал-пақстан Республикасы Прокуроры-ның аға жәрдемшиси М. Маткарим-ов сөзге шықты.

Көрилген мәселелер бойынша ти-йисли қарар қабыл етилди хәм Рес-публика Прокуроры Х. Халимов жуўмақлаў сөз сөйледди.

ШАҶАРАҚ ТАТЫЎЛЫҒЫ ЕЛ—ЖУРТ БАЙЛЫҒЫ

Президентимиз И. Ә. Кәримов 1998-жылды «Шаңарақ жылы»—деп дағазалаўға усыныс көтерген еди. Өзбекстан халқы бул усынысты зор қуўаныш пенен мақуллап күтип алды.

Усыған тийкарланып 1997-жыл 9-декабрь күни И. Ә. Кәримовтың ша-ңарақ жылын мағаналы өткерий ҳаққындағы пәрманы жәрияланды.

Онда жәмиетимиздеги шаңарақлардың әҳмиетин асырыў оны экономикалық, социаллық, руўхый хәм ҳуқықый жақтан қорғаў ислери белгилеп берилди.

Атап айтқанда, жазасын өтеп атырғанлар менен ислесиў, олардың шаңарақлары менен мазмунлы пикирлер жүргизиў, шаңарақтағы қарым-қатнасты беккемлеў, ата-аналарды судланғанлар өмири менен таныстырыў белгиленди. Усыған байланыслы қамақхана хызметкерле-ри арасында шаңарақтағы аўызбиршилик, татыўлық, муҳаббат, бала тәрбиясы ҳаққында конкуре өткерий режеде тutyлып отыр.

Ә. ТАУБАЕВ.

Тергеў қамақханасы хызметкери, ишки хызмет майоры.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Бугун Республикамызда,

наврўз байрамыга бағишланған шанбалик  
ўтказилади. Ушбу шанбалик кунда  
ишлаб топилған маблағ Наврўз байрамини  
ҳар қачонгидан хәм аъло даражада  
ўтказиш билан боғлиқ бўлған ишларга  
сарф этилади. Байрамолди шанбаликда  
иштрок этиш ҳар биримизнинг  
инсонийлик бурчимиздир!

1998-йил—оила йили

## ҲАР БИР ОИЛА ҚОНУН ҲИМОЯСИДАДИР

Бир йигит ўн саккиз йилдан камолга етади. Ота-она орзу-ҳаваси ижобат бўлиб, бир оила негизда янги оила ташкил топади. Энди ёш йигит ва қиз бир оила бўлиб мустақил ҳаёт бошлайди.

Ҳаёт сўзи атиги тўрт ҳарфдан иборат. Бироқ унда олам-олам маъно бор. Ҳаёт бир тарозу. Тошни эса унга ҳар кимнинг ўзи қўяди. Мувоzanатнинг бузилиши ҳам унга нисбатан турлича қарашлардан келиб чиқади.

Бўстон шаҳрида яшовчи Тоҳир Абдиқаримов турмуш ўртоғи Зухра билан севишиб оила қуришган. Бироқ орадан икки йил ўтгач, аҳд-паймон устунлари бир-бир қулай бошлади. Садоқат-вафога дарз кетиб, Тоҳир Саодат исмли аёлни никоҳсиз иккинчи хотин қилиб олади.

У икки уй ўртасида бўзгининг моноксидек қатнаб, қонуний беш, никоҳсиз тўрт боланинг отаси бўлади. Лекин ёши қирқдан ошса да ақли қуйилмайди. Никоҳсиз хотини Саодатнинг туғилган кунига келиб, ичиб маст бўлиб, болалар олдида кўнглига келган ишларни қилмоқчи бўлди. Хотини бунга қаршилик қилди.

Бундан дарғазаб бўлган Тоҳир Саодатнинг бурнига қулочкашлаб мушт туширди. Аёл қаттиқ шикастланиб, касалхонага тушди. Тоҳир эса бу қилмиши учун икки йилга озодликдан маҳрум этилди.

«Дўстлик» давлат хўжалигида яшовчи Райимберди Тойиров ҳам Норжон билан аҳд-паймон қилиб, турмуш қуришади. Афсуски, маълум вақт ўтгач, Райимберди ҳам ҳаёт сўқмоқларида адашади. Зулхумор Шаримова деган аёлни тап тортмай уйига бошлаб келади. Табиийки, оилада жанжал чиқади. Низолар оқибатида Райимберди 1996 йил 19 август кунини туман суди томонидан икки йилга озодликдан маҳрум қилинди. Бироқ амнистия муносабати билан қамоқдан озод этилди. Афсуски, Райимберди Конституциянинг тўғри хулоса чиқармади. Қонуний хотини Норжонни Амударё ёқасига олиб бориб, фанг десанг қўлоғини боғлаб дарёга оқизаман, омон қолишни истаган айтганларимга қўнасан деб қўрқитди. Уйда эса кундоши олдида уни таҳқирлаб хўрлади. Хўрлиги у азобларга чидолмаган Норжон

яна бизга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Яқинда Райимберди икки ярим йилга озодликдан маҳрум қилиниб, ахлоқ тузатиш колониясига юборилди.

Усмон Нуруллаев деган йигит ҳам умид билан бир ёстиқда бош кўйган хотини Зумрадни арзимаган баҳоналар билан ҳар кун калтаклаган.

Зумрад бир неча бор отасиникига кетиб қолган. Ота-она эса аҳволни яхшилаб суриштирмай, эл олдида бизни шарманда қилма деб, қизини жоҳил куёвнинг қўлига топшириб кетаверишган. Бундан руҳланган эр эса, барибир мендан қочиб қутулолмайсан деб, ҳоҳлаганча хўрлаган.

Уртадаги битта-ю, битта фарзанд ҳам эр кўнглини юмшатмаган. Хотинини итоатгўй, қўл қилиш мақсадида ақлбодар қилмайдиган жазоларни қўллаган. Руҳан эзилган, орномуси, қадр-қиммати топталган, хўрланган аёл охир-оқибат ўлимни афзал кўради. Усмон жавобгарликка тортилиб олти йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Энди бир мушоҳада қилиб кўрайлик. Юқоридаги икки оиладаги шахсларни кўш хотилликда, ахлоқсизликда айблаймиз.

Учинчисини-чи? Беихтиёр ўйланиб қоламиз. Наҳотки инсон қўл-қаноғи, бахти, саодати, фарзандларининг келажак камоли, онласининг гули

бўлмиш ўз хотинига нисбатан шундай шафқатсиз бўлса?

Маҳалла—ота-онанг, дейишади. Агар Зумраднинг ҳам маҳалласидангилар—овул оқсоқоллари, фаоллари, кўшчилари ва қариндош-уруғлари унинг ҳолидан хабар олиб, оиласидаги кўнгилсизликларга бефарқ қарашмаганида, ўз вақтида милиция, прокуратурага айтиб, зўравон эрни тартибга чақириб қўйишганида Зумрад ҳаётдан эрта армон билан кетмасди.

Фурсатдан фойдаланиб, оила қуриш таралдуида юрган йигит-қизларга бир оғиз маслаҳат айтмоқчиман.

Оила қурилади. Билингни, сарҳуш кечаларининг эртаси, келажак фарзанддир. Уларнинг қандай туғилиши, қандай камолга етиши ҳам сизларга боғлиқ.

Сиз қурган оила кўрғони қанчалик мустаҳком бўлса, фарзандларингиз, ҳам шунчалик бақувват, соғлом бўлиб етишадилар. Ҳаёт деб аталмиш катта йўлга тушдингизми, қадамнингизни ўйлаб босинг.

Мустақил юртимиздаги ҳар бир оила қонун ҳимоясидадир.

Буни асло унутманг!

К. ЮСУПОВ.

Элликқалъа тумани прокурори,  
биринчи даражали ҳуқуқшунос.



Арамызда ел исенимин ақлап, оёқ кәсибинен камал тауып халық алғысына бөленип, мийнет етип атырган азаматлар оғада көп. Олардың өзлери менен ушырасып, бир кесе чай үстинде сәубетлессен онын өмир жолында халқым, елим—деп ислеген хызметлери мақтауға турарлық екен ғой—деген қыялға берилесен.

Ҳәзирги дәуирде халқымыздың парахат турмыс кешириүинде олар арасында тәртип нызамды сақлауда ишки—ислер бөлиминиң хызметлериниң айтарлықтай орны бар. Олар күн-түн демей белгиленген орынларды бақлап бахытсыз ҳәдийселерди болдырмау ушын хызмет етеди. Усындай ел исенимин ақлаған қырағы ишки-ислер бөлиминиң хызметкерни, ишки хызмет майоры Эмет Таўбаевты айтып өтсек арзыйды. Ол өзиниң искерлиги, ҳәр қыйлы қылмыстың алдын алыуда ҳадал жұмыс ислеуи нәтийжесинде хызмет етип атырган өз жәмәәти алдында абройға ерискен инсан. Эмет Таўбаевтың өмир жолы ҳаққында сөз ететугын болсақ, ол 1956—жылы Нөкис қаласында орта дийқан семьясында дүньяға келди. Эмет Таўбаев 1973-жылы пайтахтымыздағы Гоголь атындағы орта мектепти питкергеннен кейин ишки ислер бөлимини бақлаушы хызметкерни болып жұмысқа орналасты.

Жас жигиттиң дәслепки қәдемлери жаман болмады. Бөлим баслықлары тәренинен берилген тапсырмаларды өз ўақтында булжытпай орынлауға ҳәрекет етти. Оның ақ

## ИСЕНИМДИ АҚЛАҒАН АЗАМАТ

ОЧЕРК

кеўил, ҳадал хызметкер болатуғынлығын билген басшылар оны 1978-жылы «Шымкент» қаласындағы басшы қурамын таярлайтуғын ишки-ислер уйымы орта арнаўлы мектебине оқыуға жибереди. Бул оқыу орнын да 1980-жылы табыслы питкерип келди. Усы тарауда төрт жылдан аслам ўақыт жұмыс ислегеннен кейин енди жоқарғы мағлыўматқа ийе болыу оның тийкарғы мақсети еди.

Ол 1984-жылы Нөкис мәмлкетлик Университетиниң тарийх факультетине оқыуға кирип, оны 1990-жылы табыслы питкерип шықты. Эмет Таўбаев өз билимин арттырыу, алдағы ўақытлары ел перзенти болып хызмет етиуди алдына мақсет етип қойды. Өткен дәуир ишинде өзи ислеп атырган ишки—ислер бөлиминиң жәмәәти алдында, сондай-ақ қатар—қурбы дослары алдында исенимди ақлау ушын бир қанша жұмысларды иследи.

Эмет Таўбаев 1977-жылдан баслап усы күнге шекем бақлаушыдан баслап гезек басшысына шекемги дәрежеге көтерилди.

Хожалықта әдиўли әке, ҳәзир ол еки ул, бир қызды тәрбиялап атыр. Қызы Айман 1997 жылы Өзбекстан ишки ислер уйымлары арасында өткерилген «Өзбекстан ўатаным мениң» көрик таңлауында актив қатнасып жоқарғы орын ийелеуге миясар болды. Ол өзиниң ул-қызларына ҳәрқыйлы билим сырларын үйретиу менен бирге спорт ойынларын да үйретеди. Эмет Таўбаев 1977-жылдан баслап Қарақалпақстан Республикасы ишки-ислер уйымына қараслы Нөкис қалалық тергеу қамақханасында нәубетши ишки хызмет майоры лаўазымында ислеп атыр. Оның басып өткен 20 жылдан аслам мийнет жолында Өзбекстан Республикасы ишки—ислер бөлими тәренинен өз исинде қырағылық көрсеткени ушын бирнеше мақтау қаразларын алыуға миясар болды. Сонын менен бир қатарда ол минсиз хыз-

метлери ушын екынши ҳәм үшінши дәрежели медалларын алыуға миясар болды. Эмет Таўбаев Өзбекстан Республикасы қурамындағы ишки—ислер бөлиминиң хызметкерлери арасында өткерилген оқ атыу бойынша жарысларда бирнеше рет жарыс жеңимпазы атанды.

Биз сөз етип атырган Эмет Таўбаевтың буннан басқада халық ушын ислеген хызметлери халық алдында, өз жәмәәти алдында белгили. Соның менен бирге ол мәкениң жәмийетлик жұмысларына актив қатнасады. Коллективке үлги болып, жас кадрларға жұмыс бабында жол—жоба көрсетип устазлық етеди.

Әлбетте, адам тәғдири менен ислесиу, тәртип нызамды сақлау өз гезегинде аңсат жұмыс емес. Сол ушын да быйылғы ШАҢАРАҚ жылында исенимди ақлаған азаматтың алдағы ислеринде тасқын—табыслар тилеу менен бирге ҳеш ўақыт шаңарағы шайпалмасын деп тилек билдиремиз.

Ильич БЕРДАҚОВ.

Өзбекстан Республикасы ишки ислер уйымына қараслы тергеу қамақханасы бақлаушысы, ишки хызмет аға сержанты.



Елена Карашева пайтахтымыздағы Пушкин атындағы орта мектепти тамамлағаннан кейин 1981-жылы Фрунзе (ҳәзирги Бишкек) политехника институтына оқыуға кирди. Бес жыл даўамында жоқары оқыу орнында билим алған Елена өз мийнет жолын 1986-жылы Қарақалпақстан Республикасы ишки ислер министрлигинде инспектор лаўазымынан баслады.

Ҳәзирги ўақытта ол Нөкис қалалық ишки ислер бөлиминиң дизимге алыу, қадағалау ҳәм статистика топарының аға инспекторы лаўазымында ислеп атыр.

Семьялы, әдиўли ана. Улы Султанбек 2-класста оқыйды.

— Ҳаял адам ушын машақатлы болса да бул кәсипти таңлағаным, налынбайман—дейди Елена Карашева.

Биз оның келешектеги ислеринде үлкен табыслар тилеп қаламыз.

Сүүретке түсирген; П. МАТЖАНОВ.



Сүүретте; Нөкис қалалық тергеу қамақханасы арнаўлы бөлиминиң киши инспекторы З. Нуржанова жұмыс ўақтында.





ЖЕҢИЛ ТАБЫСТЫҢ АҲЫР АҚЫБЕТЛЕРИ

Қарақалпақстан Республикасы Прокуратурасы 1997 жылы республикамыздың экономика тарауындағы жынаятларға қарсы гүреске қаратылған нызамлардың орынланыуы хэм бул бойынша прокурорлық бақлауды күшейтиуде бир қанша илажларды әмелге асырды.

Республика прокуратурасы тәрәпинен экономика тарауындағы жынаятларға қарсы гүреске қаратылған нызамлардың орынланыуын қала, район прокуратуралары, ишки ислер бөлимлери хэм ревизия қадағалау органлары тәрәпинен бул жумысларды алып барыу бойынша тексерилеулер жүргизилемкте.

1997 жылы экономика тарауында қозғатылған, тергелген хэм тергелип атырған жынаятлы ислер, шешилген фактлер көрилип таллау жасалды хэм көп ғана ҳәрекетлер анықланды.

Тахтакөпир районы Қоңыраткөл колхозында мәмлекетлик мүлклердің сақланыуы бойынша, қой-ешкилердиң бас санының түәллияине ауыл хэм суу хожалығы басқармасына комиссия құрамында есап-санақ өткерилу хәққинде қарар берилген еди. Усы есап-санақ барысында колхоздың 9466 бас қой-ешкиси кемис болып, улыўма 20007304 сүмлық мүлкий зыян келгени анықланды.

Тахтакөпир районлық прокуратурасы тәрәпинен Қоңыраткөл колхозының бурынғы баслығы, бас қөнийгелери, ферма басқарыушылары хэм аға инспекторлары қарсысына жынаятлы ис қозғатылып тергеу жумыслары жүргизилемкте.

Пара алыу, берилу хэм пара алыуда дәл-дәлшилик етиу жынаятлары бойынша бир қанша ҳәдийселердің жүзи ашылып тийисли жазасын алды. 1996—жыл ишинде парахорлық бойынша 18 жынаятлы ис қозғатылған болса өткен жылы бул бир фактке көбейген.

Бул хызмет лауазымынан пайдаланып ислеген салық инспекциясы, милиция, ден—саулықты сақлау, тутьныушылар жәмийети хызметкерлери хэм «Ққсаудагербанк» баслығы, суд орынлаушысы хэм басқа хызметкерлер.

1997—жылы Нөкис қаласы Мәмлекетлик салық инспекциясы инспекторы С. Жиёмуратов, Ж. Қайпов, У. Доспановлар рейдге жүрип пайтахтымыздың Репин көшесиниң турғыны Х. Бекмановтың үйинде ақ май сатылып атыр деген хабар менен сол жерге барып усы жерде турған Х. Бекмановқа тийисли 380 литрге шамалас ақ майды көрип, жууапкершиликке тартамыз деп қорқытып оннан 30 мың сүм пара талап еткен. Х. Бекманов С. Жиёмуратовқа 8 мың сүм ақшам бар, соны алып ақ майды таслап кете берилу дегенине қарамай улыўма баҳасы 20040 сүмлық 108 литр ақ майды, 7 мың сүм пулды алып кеткен.

Буннаң соң олар Бекмановтан алған затларын жасырыу мақсетинде жалған, қалыс гүәаларды ядтан тауып олардың атларынан өзлери түсиник хат жазып ийесиз зат ретинде акт дүзген хэм қолпеки хужжет таярлаган.

С. Жиёмуратов бас шарасы гүмандар қатарында иркиўге алынып жынаятлы ис Нөкис қалалық суды тәрәпинен қаралып С. Жиёмуратов, Ж. Қайпов, У. Доспановлар айыплы деп табылды хэм хәр қайсысына 2 жылдан мийнет дүзетилу жумысына орташа мийнет хәққинан 20 пайыз услауға хүким етилген.

Пуқара Қ. Сабиков Әмиўдәрәя районлық орайласқан емлеўханасы неврология бөлиминиң баслығы лауазымында ислеп жүрип усы бөлимде емленип атырған науқас Ю. Рахимбаевтан пул талап етип 1000 сүм пара алған. Рахимбаев белгили уақытлар өткен соң усы емлеўхананың неврология бөлиминде қайта емлеуде болған уақта Қ. Сабиков оннан пара ретинде және пул сораған. Науқас оған пул тауып бере алмай, өз жөбирин талап етип Қарақалпақстан Республикасы ишки ислер министрлигине арза жазған.

Арза бойынша ҚР ИИМ хэм Қарақалпақстан Республикасы прокуратурасы хызметкерлеринен дүзилген оператив топар тәрәпинен Қ. Сабиков өз хызмет орнында 2000 сүм ақшаны пара ретинде алған уақта қолға алынған.

Қ. Сабиков жынаят үстинде қолға алынып оның қалтасынан арнаулы порошок хэм қөлем менен қайта исленген ақшалар табылып, қолынан арнаулы порошок излери көринген уақта ол өз кабинетиниң айнасы арқалы шығып қашпақшы болғанда оператив топар хызметкерлери тәрәпинен иркилди.

Натийжеде Қ. Сабиков гүмандар қатарында қамаққа алынып, ӨзР ЖК—ниң 210—статьясы, 2—бөлими менен айыплы деп табылып 6 жыл еркинен айырыуға, жазаны қатты режимдеги колонияда өткерилуға хүким етилген.

Қарақалпақстан Республикасы Прокуратурасы тергеу басқармасы тәрәпинен өзгелердиң мүлкин талан-тараж етиу, жеңил жол менен мийнетсиз табыс табыу хәдийселери бойынша қозғатылған хәр бир жынаятлы ис айрықша қадағалауға алынбақта.

Тиббий угитлар

Абу Али Ибн Сино

Оғриқларни тұхтатиш хәққинде

Оғрикни тұхтатувчи нарсаларнинг ҳаммаси ё мижозни ўзгартирувчи, ё моддани эритувчи, ё увуштириб сезгисиз қилувчи нарсалардир.

Увуштирувчи нарса оғрикни кетказади, чунки ўша аъзо сезгисини кетказиш икки сабабнинг бири билан; ё ҳаддан ташқари совитиш билан. ё ўша аъзонинг қувватига қарши турадиган ўз захри билан бўлади.

Бўшаштирувчи дорилар (оғриқни) секин тарқатувчи дорилар тўдасидандир. Чунончи: зигир уруғи, укроп, қашқар беда, мойчечак, петрушка уруғи, аччиқ бодом.

Увуштириб (сезгисиз) қилувчиларнинг энг кучлиси афюндир; меҳригиле меваси ва уруғи ҳамда илдизининг пўстлоғи, кўкнорлар, мингдемона, сассикалаф, итузум ва

сутгўп уруғи; қор ва совуқ сув ҳам шулар тўдасидандир.

Пахтадоғнинг энг яхшиси енгилгина, яъни тариқ каби нарсалар билан қилинадигандир. Лекин кўзга ўхшаш кўтара олмайдиган аъзога латта билан пахтадоғ қилинади.

Олов билан қортиқ қўйиш ҳам (оғриқни қолдирувчи) чоралардандир, у бод оғриғини қолдиришга кучли фойда қилади.

Секин ва узоқ вақт юриш ҳам оғриқни қолдирувчи тадбирлардандир. Чунки (юришда) бўшаштириш ва юмшаш таъсири бор. Шунингдек, маълум юмшоқ чаралар, биз айтиб ўткан ёғлар, яхши ашула, айниқса, у билан ухлатиш ҳам оғриқларни қолдирувчилардандир. Шодлантирувчи нарсалар билан банд бўлиш ҳам оғриқни қолдиришда кучли таъсир қилади.

Шарқ жавоҳирлари

Маърифий ҳикматлар

Кимки ўзини-ўзи мақтаса —бу ахмоқликдир. Кимки ўз сўзини ўзи маъкул кўрса — бу бахтсизликдир.

Телба одамлар ўтнинг ёниш шаклини кўриб, гулистон деб ўйлайдилар.

Оламдаги ҳамма одамлар ўзларини ўзлари севадилар. Уларнинг сўзлари ҳам ўзларига жуда ёқимли туюлади. Божар жинсида бўлган бусифат уларнинг жоҳилигидан далолатдир. Нафслари эса беихтиёр шу даъво билан машғулдир.

Тавозенинг сифати адабдур. Қийланилиб, машаққат билан бир дирхам топиш биров берган хазинадан яхшироқ.

Яхшилиқ қила олмасанг, ёмонлик ҳам қилма.

Кимда мано гавҳари бўлса, ўша одам ўз дарёсининг ғоввосидир.

Кимлар билан бўлсанг—шулардексан. Чақмоқ кумушини йиғиб бўлмас, Ёмғир ипини туқиб бўлмас.

Кўнгил хазинасининг қулфи — тил, бу хазинанинг калитини сўз бил!

Доно одам қўлидан кетган нарса ҳақида сўзламас.

Алишер НАВОИИ.

— Ниятбой ака, мана, 1998 йилга ҳам янги ниятлар билан қадам қўйдик. Илоҳим барча тилаklarимиз, орзуларимиз рўёбга чиқсин. Янги йил барчамизга кутлуг бўлсин.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ—БАХТИМИЗ

ДЕИДИ ХУЖАЙЛИ ТУМАН НИБ БОШЛИҒИ, МИЛИЦИЯ ПОЛКОВНИГИ НИЯТБОЙ ЮСУПОВ.

Жиноятлар олдинги йилга қараганда бир мунча ошди. Демак, қаерлардадир хатоликларга йўл қўйдик. Энди биз ана шу хатолар такрорланмаслиги учун пухта ўйлаб иш юритмоғимиз, аҳоли оёқ-йишталлиги учун барча зарур чораларни кўрмоғимиз керак.

— Аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш шу куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Туманда бу борада қандай ишлар қилинди?

— Жуда ўринли савол бердингиз. Жиноят содир қилаётганларнинг кўпчилиги, айниқса, ёшлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини, тўла билишмайди. Оқибатда ўсмирларнинг аксари билмасдан жиноят йўлига кириб қолишапти. Бундай аянчли ҳолларнинг сабаби кишиларимизда ҳуқуқий билимларнинг етарли даражада эмаслигидир. Бўлимимиз аҳолининг ҳуқуқий билимини камол топтириш мақсадида махсус режа тузди. Шунга асосан, туманимиздаги барча мактабларда, ўқув юртларида, жамоа хўжалиқлари ва ташкилотларда «Хуқуқий билимлар — оммага» мавзусида суҳбатлар ўтказдик. Бу учрашувимизга прокуратура, суд ва халқ таълими бўлимининг етакчи мутахассисларини ҳам жалб қилдик. Бундан ташқари туман газетасида ойда икки мартаба туркум мақолалар бериб бордик. Қорақалпоғистон республикаси телевидениеси ҳамда радиоси орқали кўрсатувлар, эшиттиришлар тайёрладик. Ушбу йилда ҳам бу муҳим масалага алоҳида эътибор қаратиб, янги режа асосида иш олиб бораяпмиз.

— Жамоат тартибини бузган кимсалар — безорилардир. Уларга ўз вақтида тегишли чора кўрилмаса, оқибати ёмон бўлиши мумкин...

— Суҳбатимизни йил сарҳисобидан бошласак. Айтнингчи, ўтган 1997 йил натижалари, Сизни қониқтирдими?

— Ўтган йил давомида жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари жамоатчилик билан ҳамкорликда катта ишларни амалга оширдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ходимларимиз йил давомида ўтказилган «Тун», «Қорадори», «Тозалаш», «Арсенал», «Комплекс», «Орият» каби ўнлаб тадбирларда фаол ҳаракат қилишди. Натияжада ўлим билан боғлиқ оғир жиноятлар ўтган йилга қараганда санкивтадан тўрттага, оғир тан жароҳати етказиш тўрттадан учтага камайди. Босқинчилик жинояти олдинги йили иккитани ташкил қилган бўлса, 1997 йилда бундай кўнгилсиз воқеа рўй бермади.

Туман ИИБ лари ўртасида беллашувларда ва кўрик-танловларда бўлимимиз ходимлари фахрли ўринларни қўлга киритишди. Қорақалпоғистон республикаси бўйича ўтказилган «Энг яхши ИИБ» кўрик—танловида эса биринчи ўринни өгалладик.

Аммо шундай бўлсада, йил сарҳисобидан кўнгилм тўлмади. Чунки умумий

— Ҳақ гап, ўғирлик қўшинининг товуқхонасидаги тухумни олишдек сезилмас ишлардан бошланади. Аччиқ ҳақиқат бўлсада, айтиб ўтиш зарур, туманимизда жамоат тартибини бузаётган кимсалар учраб турибди. Биз бундай шахсларга нисбатан мурасасиз кураш олиб бораяпмиз. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсам, йил давомида жамоат жойларида мингдан ортиқ шахс майда безорилик билан ушланиб, ҳокимлик қошидаги махсус комиссияга чора кўриш учун юборилди. Уларнинг кўпчилиги турли миқдорда жарималар солинди. 610 нафар фуқаро эса паспорт қоидаларига риоя этмаганлигида айбланиб, маъмурий чоралар кўрилди. Туман ҳудудида ичкиликбозлик қилган 920 нафар фуқаро хушёрхонага келтирилди ва улардан 65 миңг 870 сўм миқдорида жарима ундирилди. Хуллас, майда безорилик ҳам жиноятдир. Шунинг учун барча кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ўқувчилар ва ота-оналар билан учрашувлар ўтказаяпмиз. Тарбияси оғир оилалар билан мунтазам алоқада бўлиб турибмиз.

— Бу йилги режаларингиз? — Янги йилни яхши кайфият, кўтаринки руҳ билан бошладик. Олдимизда бажаришимиз лозим бўлган юмушларимиз жуда кўп. Мақсадимиз аниқ. Зеро, осойишталик бизнинг бахтимиздир. Бу йил Оила йили экан, барчамизнинг хонадонимиз тинч, фаровон бўлсин.

— Мазмунли суҳбатимиз учун раҳмат.

Суҳбатни Худойберган ЖАВБОРОВ ёзиб олди.

БИЛАСИЗМИ?

Майда қилиб туғралган хом картошка ва бир чақмоқ қанд шўр овқатга 5 минут солиб қўйилса, ортиқча тузини тортиб олади.

Хўл ўтин тезроқ алангаланиши учун керосин ўрнига бир чимдим йирик туз сепиш кифоя.

Сиркага латта хўллаб пиджак ёки пальто ёқасини тозалаш мумкин. Сочим тез ўссин десангиз, бош ювишингиздан бир соат олдин сабзи суви ва лимон аралаштириб сочингизга суртиб қўйинг.

ИЛОҲИЙ ПОЙТАХТ

Қадимда миср жанубий ҳамда Судан шимолининг бир қисмидан иборат ҳудудларда афсонавий Куш салтанати бўлган.

Польша фанлар академияси Урта ер денгизи археологияси институти ходими доктор Богдан Журавски бу ерда Керетен қалъасини кашф этди. Маъмур шахарнинг маъжудлиги асримиз бошидаёқ маълум эди. Ушанда эрамиздан аввалги VI ва V аср бўсоғасида Нубий Сумойни тўрт илоҳий пойтахтга сингирганлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи ёзув топилиб, ўқилган эди. Илоҳий пойтахтларнинг учтаси аввалдан археологларга маълум эди. Энди ешитмаётган тўртинчи пойтахт ҳам кашф этилди—деб ёзади «Речь Космополита» газетаси. «Дўст, Друг, Дос» газетасидан.

## ЖОЛ ҲАРЕКЕТИ ҚӘУИПСИЗЛИГИН САҚЛАЙЫҚ

Республикамыз аймағында аўыр ақыбетли жол транспорт ҳәдийселериниң өсип кетиўине байланыслы Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинетиниң усы жылы 6 февраль күнги №46 ф—санлы ҳәм Қарақалпақстан Республикасы Министрлер Кеңесиниң 23 февраль күнги №51 б—санлы «Жол ҳәрекетин қәуипсизлиги» бойынша бир айлықты өткеріў ҳаққында бийлиги шықты.

Бул бийликтің тийкаргы мақсети Республикамыз аймағында жайласқан барлық мәкемелер, кәрхана, шөлкемлер, оқыў орынлары, сондай-ақ ҳәр бир республика турғынлары ушын сөзсиз орынлаўға миннетли ўазыйпасы болып, барлық жол ҳәрекетин қатнасыўшылары жол ҳәрекетин қәделерин билиўи ҳәм олар тәрепинен ис жүзинде әмелге асырыўи зәрүр.

Сол ушын усы бир айлық ҳәрекет қәуипсизлик режесин ҳәммеиз жоқары дәрежеде орынлаўға ат салысайық, пуқараларымыздың ҳәм келешегимиз болған жас өспиримлеримиздиң өмирин, ден—саўлығын сақлап, олардың бир өмирге майып болып қалыўының алдын алған болар едик.

Өткен жылы Республикамыз аймағында 444 жол транспорт ҳәдийсеси жүз берип соннан 130 адам набыт болып 483 адам ҳәр түрли тән жарақатларын алған. Усы ҳәдийселерди таллап көргенимизде шиядаларды қағып кетиў өткен жыл менен салыстырғанда 51,6 пайызға, айдаўшылардың айыбынан келип шыққан жол транспорт ҳәдийселери 82,7 пайызға ҳәм жас өспиримлерди қағып кетиў 26,6 хайызға өсип кеткен.

Бул көрсеткишлер саны бизиң көше ҳәм жолларымызда ҳәрекет қәуипсизлигин дурьс билмеўи, билсе де оған ис жүзинде әмел қылмаўи нәтийжесинде аўыр ақыбетли жол транспорт ҳәдийселериниң себепшиси болмақта.

Ҳүрметли жол ҳәрекетин қатнасыўшылары усы март айында өтип атырған бир айлық «Ҳәрекет қәуипсизлигин» сақлаўға ҳәммеизди белсене қатнасыўға шақырамыз.

Исмағул ДӘНЕКУЛОВ.

ҚР ИИМ МАИ бөлиминиң баслығы, милиция майоры.

Әзиз-тиядалар ҳәм  
транспорт басқарыўшы  
дослар!

Усы 1998 жылы «Шаңарақ» жылында

жол транспорт ҳәдийсесин болдырмаўға

белсене қатнасайық.

## Машинаңыз сапарға саз ба?

1998 жыл 1-январдан баслап жеке меншик авто-мото транспорт қураллары қала ҳәм район ИИБ ниң МАИ хызметкерлери тәрепинен техникалық көзден өткерилмекте.

Мәмлекетлик транспорт қураллары қала ҳәм район ҳәкмиятлары қарары менен тастыйықланған кесте бойынша 1-марттан баслап 30-июнға шекем техникалық көзден өткериледи. Сол қарардың өзинде техникалық көзден өткеріў комиссиясының баслығы етип МАИ хызметкерлери тайынланады ҳәм комиссия ағзалары белгиленеди.

Кестениң нусқалары район (қала) әскерий комиссариатына, кәрханаларға, ҳәмде ҚР ИИМ МАИ бөлиминге жибериледи.

Усы кесте кәрханаларға техникалық көзден өткеріў дәлалатнамасының бланкалары менен бирге есапта турған транспорт қураллары дизимин ҳәм олар ҳаққындағы мағлыұматларды дизини ушын жибериледи.

Кәрханалар техникалық көзден өткеріў кесте бойынша басланыўынан кеминде 20 күн алдын толтырылған дәлалатнамаларды МАИ—сына картотекадағы мағлыұматлар менен салыстырып қойыў ушын алып келиўи керек.

Ҳәзирги ўақытта көплеген адамлардың атында ҳәр түрли себеплерге көре жоқ болып кеткен автототранспорт қураллары бар болыўи мүмкин. Базар экономикасына өтиўине байланыслы ҳәзирги ўақытта транспорт қуралларына төленетуғын салық муғдары бир қанша көбейип кеткен.

Сизиң транспорт қуралларыңыз бир неше жыл алдын жоқ болып кеткени менен мәмлекетлик автомобиль инспекциясы дизиминде турыўына байланыслы мәжбүрий түрде салық төлеўиңиз шөрт. Сол себептен семьяңыздың табысын үнемлеўи яғный жоқ болып кеткен транспорт қуралларына орынсыз салық төлеўден қутылыўи мақсетинде тез күнлер ишинде МАИ есабынан дизимнен шығарыўыңызды соранамыз.

Буньц ушын төмендеги ҳүжжетлер есабында есаптан шығарылады:

— Бөлеклерге ажратылып ямаса ЖТХ—нен кейин ремонт ислеўге жарамсызлығы себепли жоқ болып кеткен АМТК—лары ийесиниң арзасы ҳәм милиция участка инспекторының мәлимлемеси асасында МАИ есабынан шығарылады.

— Транспорт қуралларының ийеси МАИ есабынан шығармастан Республинамыздан көшип кеткен болса, милиция участка инспекторының мәлимлемеси ҳәм турар жериниң аўыллық кеңеси тәрепинен берилген көшип кеткенлиги ҳаққындағы мағлыұматнамасы тийкарында МАИ есабынан шығарылады.

Жоқ болып кеткен АМТК—ларын МАИ есабынан дизимнен шығарыўда көзде тутылған төлемли квитанциялар талап етилмейди.

Төлеген ӘБДИРАХМАНОВ.  
ҚР ИИМ МАИ бөлимин мәмлекетлик автоинспекторы, милиция капитаны.



Усы жылы 1-марттан 31-март аралығында Өзбекстан Республикамыз аймағында «Жол ҳәрекетин қәуипсизлиги» режеси өткериледи. Усы «Жол ҳәрекетин қәуипсизлиги» айында жол ҳәрекетин қәделерин қатаң сақлап дыққатлы болыўға шақырамыз ҳәм бәршеңиз белсене қатнасыўыңызды өтиниш етемиз.

ҚР ИИМ МАИ бөлимин

# ҒАРОЙИБОТЛАР

## ЧАРХПАЛАК ДУНЕ

Олимларнинг айтишича, бундан 500 миллион йил муқаддам экватор ҳозирги кутблар ўрнида эди, бу ерлар Марказий Африкадагидек жазирама эди. Замонлар ўтиши билан Шимолий кутб Жанубий кутбга айланган ва аксинча. Бу ҳодиса 76 миллион йил мобайнида 171 марта содир бўлган.

Ер шарни учта асосий сферадан ташкил топган. Булар Ер қобиғи, Ер пўсти, ва Ер ядросидан иборат. Ер қобиғининг қалинлиги 30-50 километр, пўстининг қалинлиги 2900, ядросининг қалинлиги эса 3400 километрге тенг.

Ер қаърига кириб борган сайин унинг ҳарорати ортиб боради. Урта ҳисобда ҳар 100 метрда иссиқлик 3 градусдан кўтарилади.

Ер сатҳининг юзаси 500 миллион квадрат километр бўлса, шундан 350 миллион квадрат километрини океанлар ташкил этади.

Ой массаси Ер массасидан 81,5 марта кам. Радиуси эса 4 барабар кичикдир.

## ХАЗИНА

Ҳисобларга кўра, ер юзининг 71 фоизини суюқ ва қаттиқ сув (музлик) ташкил қилади. Бу эса асосан денгиз ва океан сувларидан иборат. Ҳисобларга кўра океанда ўн миллиардлаб тонна озиқ-овқат сузиб, ўрмалаб йирбди ёки фойдаланилмай ётибди. Унда балиқларнинг ўзидан 16 минг турга яқини бор, турли ҳил ўсимлик ва ҳайвонотларнинг тури эса 250 мингдан ошади. Денгиз йўсинлари орасида эса камиди 70 тури истеъмол учун яроқли. Умуман олганда океаннинг ҳосилдор қатлами ерликдан бир неча марта кўп. Океаннинг 1 гектар жойидан қуруқликнинг энг яхши 1 гектар яйловиди «етиштирилган» гўштга нисбатан икки барабар кўп балиқ олиш мумкин.

Ер қуррасида ҳар йили 380 миллиард тонна ўсимликлар ҳисобига органик материя пайдо бўлса, шундан 325 милли-

ард тоннаси ёхуд 85 фоизи денгиз ва океанларга тўғри келади.

## ДАРАХТДА УСАДИГАН ШАМ

Табиатда шундай дарахтлар борки, унинг мевасини шамдонга қўйиб ёқилса, худди шамдек, бир текис нур сочади.

Бундай мева-шамлар иқлими иссиқ ва сернам Панама ҳибонларида ўсадиган шам дарахтидан олинади. Маҳаллий аҳоли бу ажойиб мевадан ўз ўйларини ёритиш учун фойдаланади.

## ЎЗ-ЎЗИДАН ЁНАДИГАН ДАРАХТ

Австралияда ўсадиган эвкалипт дарахтининг барг ва шохлари шундай мойлики, мойнинг буғланаётганини бемалол кўрса бўлади. Ёз кунлари қуёш тиккага келганда соя жойларда ҳарорат 40 даражага кўтарилади. Мана шундай иссиқ кунларда эвкалипт дарахти танасидан ўт чиқиб ёниб кетади.

## ҚУРУҚ ЁМҒИР

Ер юзидида шундай жойлар борки, ёмғир ёғса ҳам кийим ҳўл бўлмайди. Бундай ҳодиса Осиё ва Африканинг иқлими кескин континентал, ҳавоси ниҳоятда қуруқ бўлган чўлу қиёбонларида содир бўлади. У ерларда булут камдан-кам пайдо бўлади ва ёмғир деярли ёғмайди. Онда-сонда ёққан ёмғир ҳам ерга етмасданок буғланиб кетаверади.

## «ДАҲШАТ» ДЕНГИЗИ

Саргасс денгизи қадим замонлардан бери сирли денгиз бўлиб келмоқда. Бундан беш аср илгари испан ва португал денгизчилари Америка қитъасига сузиб бораётганларида ҳам сирли ҳодисаларга дуч келишган. Бу денгизнинг кўп қисми ўт-ўланлар билан қопланиб, Гольфстрем оқирғи ўтади.

Саргасс денгизи остида Бермуд тепаликлари бор. Унда сув ости қоялари мавжуд. Уларнинг усти ясси бўлиб, бир вақтлар орол бўлганлигидан дарак беради. Барча оқимлар тепаликларни четлаб ўтади. Четдан қараганда денгиз жуда гўзал, осойишта кўринади. Бироқ, осо-

йишталик кемалар учун жуда хавфли. Бу денгизнинг устида нафас олишнинг ўзи машаққат. Денгизда кўплаб сув ўтлари сузиб юради, улар кемага ёпишиб уни тўхташиб қўяди. Денгиз унчалик чуқур эмас. Тўхтаб қолган кемалар атрофида даҳшатли сув ости йиртқиқлари сузиб юради, — деб ёзади Гимильсон.

Саргасс денгизининг сирли ҳозиргача мавҳум бўлиб қолмоқда, бу денгизда жуда кўплаб кемалар ҳалоқатга учраган, лекин бу ҳодисалардан бирортасининг сирли очилгани йўқ.

## ЕР ОСТИ ДАРЕЛАРИ

Ер ости бўшлиқларининг баъзиларида шаршаралар ҳосил қилувчи серсув дарёлар бор. Масалан, АҚШ даги дунёга машҳур Мамонт гориди учта ер ости дарёси оқади, уларда 8 та шаршара бор. Ер ости дарёлари Уралдаги Паший, Мечкинск, Пономаревск, Ключиковск горларида, Кавказдаги горларда ҳам учрайди. Франциянинг Ло департаментиндаги Падирик ер ости дарёси 3 км масофага чўзилган бўлиб, унда 36 табиий тўғон бор.

Республикамизда ҳам ер ости дарёлари бўлган, ер ости бўшлиқлари мавжуд. Қашқадарё вилоятининг ёнида жойлашган Каптархона горининг 570 метрдан иборат биринчи қаватида ер ости дарёси шариллаб оқиб туради. Зармас қишлоғи яқинидаги Суботар горидида ер ости дарёчасининг узунлиги 300 метр. У гор йўлагининг ётагида кулаб тушган харсангтошлар орасига қириб қўйиб бўлади ва Ахернисой дарёсининг юқорисидан булоқ бўлиб чиқади.

Ер ости дарёларини Сурхантовдаги Новсурх гориди, Каласойдаги иккита горда, Бойқобил, Омонқутон каби горларда ҳам учратиш мумкин.

## КИМ НИМА ЕИДИ?

Дунёдаги ҳар бир миллатнинг ўзи севган ҳўл меваси бор. Айримлари ананасни яхши кўрса, бошқалар олмани, яна бировлар апельсинни, узумни хуш кўради ва ҳақозо. Шарқда жойлашган айрим мамлакатлардаги аҳоли эса дунёда Болами (нон дарахти)дан ширин мева йўқ деб ҳисоблайди. Болами меваси қовун ёки ананаснинг мазасини эслатади. Бо-

лами дарахтининг меваси жуда йирик бўлиб, унинг биттасининг оғирлиги 35 кг. — гача боради. Унинг мазаси ниҳоятда ширин ва тўйимли.

## ДАРАХТНИНГ ЁШИ

Дарахтнинг ёши унинг танасидаги йиллик ҳалқалар сонига қараб аниқланади. Бироқ, қумларда ўсадиган ажойиб саксовул дарахтининг ёши, унинг танасидаги йиллик ҳалқалар сонига ҳеч тўғри келмайди, чунки унда бир йилнинг ўзида бир қанча ҳалқалар ҳосил бўлиши мумкин. Бунга сабаб ёгингарчилик вақтида саксовул тез ўсади ва қурғоқчилик келиши билан ўсиш секин-секин пасаяди.

## ЭШИТГАНМИСИЗ, УҚИГАНМИСИЗ?

Тоғлардаги энг катта музлик — Набеснинг (АҚШ)—узунлиги 90 км. Сўнмаган вулқонлар энг кўп район Зонд ороллари — 95 та вулқон бор.

Сўнмаган энг баланд вулқон — Тупунгатто (Чили билан Аргентина чегараси) — 6800 м.

Океанларнинг ўртача чуқурлиги — 3794 м.

Океанларнинг энг чуқур жойи — 11034 м. Мариан чуқурлиги (Тинч океан).

Океан сувининг энг кўп кўтарилиши 18 м. — Фанди қўлтиғи (Канаданинг Атлантика соҳиллари).

Ҳавонинг йиллик ўртача энг паст температураси 30,2, Гренландия оролининг маржазий қисми.

Ҳаво температурасининг йиллик энг кичик амплитудаси — 0,4 — Маршалл оролларида (Тинч океан) ва Кито районида (Эквадор) Ёгинларнинг йиллик энг кўп ўртача миқдори — 12665 мм. — Черрапунжи райони (Ҳиндистан, Ассом штати).

Ёгинларнинг йиллик энг кам ўртача миқдори — 3 йил мобайнида 1 мм. Води — Халифа райони (Судан).

Ердаги энг катта саҳро — Саҳрои Кабир (Африка) майдони — 7 млн. кв.км.га яқин

Матбуот хабарлари.

Австралининг мўъжазгина шаҳарчасидаги сўлим бир гўшада ўртача катталиқдаги ҳовуз бор. Ҳовуз ўртасида бир қанча вақтлардан буён чиройли бир нилуфар гули ўсиб туради. Бу ерлик 80-90 ёшни қаршилаган қариялар ҳам бу гулнинг бирон марта бўлсин сўлиганини эслай олмайдилар. Бир йилда икки марта япроқларини янги-

фини бир мартаба айлантириб кўриши кифоя. Мабодо айлангувчи ёмон ҳулқларга эга одам бўлса, ҳовузни ярим мартаба айлангани биланоқ безгак тутгандай қалтирай бошлайди. Шу пайтгача мана-ман деганлар ҳам нилуфарни узишнинг иложини топиша олмади. Қимдаким унга қўл теккизса баданида минглаб чумоли ўрмалагандай бў-



## Ғаройиб гул

лайди. Қизиги шундаки, бир кеча-кундузда гул илгариги тароватига қайтади.

Айтишларича, ушбу гулнинг тарихи тахминан 300 йилни ташкил этаркан. Бир наслар 106 ёшни қоралаб, дунёдан ўтган ва шу гул тўғрисида кўп нарсаларни ўзи билан бирга олиб кетган роҳибнинг сўзларини эслашади. Эмишки, Исо Масихнинг таваллуд топган кечасида ушбу гул дунёдаги энг гўзал қизга айланар ва тонггача уйма-уй юриб кўпчиликка эзгулик ва бахт уфорини улашаркан. Бу гапларда нечоғли ҳақиқат бўлгани бизга қоронғу, аммо нилуфарнинг атрофида не-не ғаройиб воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлар талайгина.

Агар кимда-ким ўз дўсти, қариндош-уруғи, ёр-биродарининг қандай, одам эканлигини билмоқчи бўлса, марҳамат. Ҳовузнинг атро-

лади-ю, ўзидан-ўзи қиқирлаб кула бошлайди.

Бир пайтлар шаҳарчага қутурган филлар галаси ҳужум қилганда отилган дайди ўқлар-у ўқ тегиб ҳовузга йиқилган филлар ҳам нилуфарга зарар етказа олмаган. Энг қизиги ушбу гул янги турмуш қураётган келин-куёвларни «яхши кўради». Улар яхшими-ёмонми ҳовузга яқин келганларида япроқлари қуёш нурида бошқача жилвалана бошлайди. Келин ва куёвга ҳам роҳлик қилаётганлар ҳурсанд бўлишадики, нилуфар ёшларга гўёки бахт тилаётгандай. Яна бир гапки, айтишларича умр бўйи бир-бирига содиқ қолган жуфтликнинг кўз ёшларидан ушбу ҳовуз, унинг ўртасида эса яшнаб турган нилуфар пайдо бўлган экан.

Урисчадан таржима.

## ОҚЫҢ ҚЫЗЫҚ

### ПИКАССОННЫҢ ТОЛЫҚ ИСМИ

Атақлы сўётретши Пабло Пикассоннинг атын еситпеген адам кем ушырайтуғын шығар. Лейкин, оның толық исмині ҳәм ме биледи деў қыйын. Оның толық исми төмендегише: Пабло Диего Хосе Франциско де Паула Хуан Неполеукено Криспин де ла Сантненма Руис и Пикассо.

### ЕЛЕ ТИРИ ҲАҚТЫНДА...

Бүгинги күнде «клиникалық өлим» атамасын көпшилик жақсы түсинеди. Усындай аўхалға түскен адамның өмирге қайтадан қайтыўына үмит етсе болады. Лейкин, барлық заманларда да руған түсине бермеген. Мәселен, ар-дәвтерден табылған мағлыматларға қарағанда 1931-жылы Н. В. Гогольдиң сүйеклерин Әулийе Данилий ибадатханасынан Новочечье қәбирстанына көшириў уақтында табытты ашқан. Қараса, әлиний қалдықлары бир жамбаслап жатқан болып, табыттың қақпағының ишки бөлеги тырналған екен. Усыларға тийкарланып, «Тарас бульба» ҳәм «Өли жанлар» дың авторын еле тире уақтында, анығырағы, клиникалық өлим шараятында жерлеген, деген жуўмаққа келген.

### АМОЗОНКАНЫҢ ЖАҢА СЫРЫ.

18 жылдан берли Амазонка тоғайларында өсимликлер ҳәм ҳайуанатлар дуньасын үйренип киятырган Сильвия де Гаас, бойы 1 метр келетуғын қурбақа дус келген. Доктордың тастыйықлаўынша бул қурбақа 4—9 метр узынылыққа секиреди екен. «Қасымда фотоаппарат яки видеокамераның жоқлығы пәнт берди»,— дейди де Гаас ханым.

(Баспа сөз материалларыннан).

Қарақалпақстан Республикасы Прокуратурасы жәмәәти урыс ҳәм мийнет ветераны, Республикаға мийнети сиңген юрист, Қарақалпақстан Республикасының бурынғы прокуроры **Дәуимшар ОЖРАЕВ** тың қайтыс болыўына байланыслы марҳумның шаңарағына, туўған-туўысқанларына терең қайғырыў менен кеўил айтады.



## ҚЫМБАТЛЫ ҲАМ БАУЫРМАН, ҲАММЕМИЗГЕ МИИРБАН ТУРСЫНБАЙ ҚУРБАНБАЙ УЛЫ

Сиз тире болғаныңызда 5—март күни 50 жасқа толған болар едиңиз. Эттең сум өжел Сизди арамыздан мәңги алып кетти. Илаж қанша, тәғдир айра салып зайыбыңызды, ул—қызларыңызды, туўған туўысқанларыңызды таслап, көзлерин жаслап кеттиңиз.

Сизди бәримиз еске алып, жатқан жериң жайлы, топырағың торқа болсын деймиз.

Зайыбың Улзада, ул-қызларың Замира, Бердақ, Зияда, Әбдирахман, Умида, Гүлжәхән, Дәметкен, Айберген, Исламбек, ақлыларың—Гүлмира, Султанбек, Олжасбек, туўған—туўысқан ҳәм қуда-қудағайларыңыз,

«АДАМ ҲАМ НЫЗАМ» ШӨЛКЕМЛЕСТИРИҮШИЛЕР; Қарақалпақстан Республикасы Прокуратурасы, Әдиллик Министрлиги ҳәм Ишки ислер Министрлиги.

Газета А-3 формасында нұсқасы 14444 458-459 буйыртпа менен басылды. Газета айына 3 мәртебе шығады. Дизимге алынғанлығы тууралы гууалық №579.

Бас редактор орынбасары Нарбай ТӨРЕБАЕВ.

Редакцияның жәмийетлик кеңесгөйлери:

Парахат АЙТНИЯЗОВ, Жаңабай САДЫҚОВ, Азат НУРЖАНОВ, Бахмурат СЕЙТМУРАТОВ, Батыр МАТМУРАТОВ, Фархад НИЗАМОВ, Қудайберген НИЯЗЫМБЕТОВ, Жаңабай ШЫЛМАНОВ, Замира ШАМУРАТОВА, Ҳакимбай ХАЛИМОВ.

Мәнап жайымыз; Инд: 742000. Нөкис қаласы

Ғәресизлик көпеси №44 жай. телефон; редактор; 4—47—59.

Басыўға рухсат етилген уақты 15.00 Индекси пуқаралар ушын —321, көрханалар ушын—322.